

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ 2017-2023 ЙИЛЛАРДА РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

PhD Мамаджанов Аброрали Аширалиевич
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
стatisтика агентлиги
ORCID: 0009-0002-8979-4531

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг иқтисодиётга таъсирни, 2023 йилда Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ), аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ ва унинг ўртacha йиллик ўсиши, иқтисодиёт тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат, охирги еттий иилда ЯИМ ўсиш суръатлари ҳамда қурилиш, хизматлар соҳаси, саноат тармоғи ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ЯИМ ўсишига таъсирни таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ЯИМ, аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ, ўсиш, иқтисодиёт тармоқлари, ялпи қўшилган қиймат, қурилиш, хизматлар, саноат, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги.

АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА В 2017-2023 ГГ.

PhD Мамаджанов Аброрали Аширалиевич
Агентства статистики при
Президенте Республики Узбекистан

Аннотация. В данной статье проанализированы реформы, реализуемые в нашей стране, их влияние на экономику, валовой внутренний продукт (ВВП) Республики Узбекистан в 2023 году, ВВП на душу населения и его среднегодовой прирост, валовая добавленная стоимость, созданная в отраслях экономики, темпы роста ВВП и влияние строительства, сферы услуг, промышленности, сельского, лесного и рыбного хозяйства на рост ВВП за последние семь лет.

Ключевые слова: ВВП, ВВП на душу населения, рост, отрасли экономики, валовая добавленная стоимость, строительство, услуги, промышленность, Сельское, лесное и рыбное хозяйство.

ANALYSIS OF THE DEVELOPMENT STATE OF THE UZBEKISTAN ECONOMY IN 2017-2023

PhD Mamajanov Abrorali Ashiraliievich
Department Statistics Agency under the President
of the Republic of Uzbekistan

Annotation. This article analyzes the reforms being implemented in our country, their impact on the economy, the gross domestic product (GDP) of the Republic of Uzbekistan in 2023, GDP per capita and its average annual growth, gross added value created in economic sectors, GDP growth rates and the impact of construction, services, industry, agriculture, forestry and fisheries on GDP growth over the past seven years.

Key words: GDP, GDP per capita, growth, economic sectors, gross value added, construction, services, industry, Agriculture, forestry and fisheries.

Кириш.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини либераллаштириш, давлат ва жамиятни демократлаштиришга қаратилган. Иқтисодиётни модернизация қилиш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини либераллаштириш, давлат ва жамиятни демократлаштиришга қаратилган ислоҳотлар мамлакатимиз иқтисодиётида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сон Фармонида жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон қадри учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган (Фармон, 2022).

Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириш, мамлакатда инвестиция мұхитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, экспорт салоҳиятини ошириш, қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали дехқон ва фермерлар даромадини ошириш, худудларнинг инфратузилма тизими ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш мазкур йўналишлардан энг мұхимлари ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Дунёда ЯИМ ва у билан боғлиқ макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисоб-китолари Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) халқаро стандарти тавсияларига асосланади. МҲТ назарий асосларининг вужудга келиши ҳамда ривожланиши кўп йиллик тарихга эга бўлиб, халқаро миқёсда тан олинган биринчи МҲТ халқаро стандарти “МҲТ-1953” ҳисобланади. Ушбу қўлланма 1968, 1993 ва 2008-йилларда янгиланиб, такомиллаштирилиб борилди. “МҲТ-1968”нинг ишлаб чиқилиши миллий ҳисобчиликнинг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Ушбу стандарт тамойиллари асосида БМТ миллий ҳисоблар бўйича йиллик статистик тўплам чоп этишни йўлга қўйди ҳамда қўпгина давлатлар “МҲТ- 1968”ни миллий статистика амалиётига жорий қилиш ишларини амалга оширидилар. 1970-йилда Европа ҳамжамияти МҲТнинг европача вариантини ишлаб чиқди. Шу йўсинда халқаро ташкилотлар ва олимларнинг тинимсиз изланишлари натижаси “МҲТ-1993” халқаро стандарти ишлаб чиқилди ва БМТ томонидан қабул қилинди. Ушбу стандартни ишлаб чиқилишида Р.Стоун, В.Леонтьев, П.Хилла, J.Xiks, Нанси Раглс, Роберт Айзнерларнинг қўшган ҳиссалари бекиёс. Мазкур стандартда иқтисодий статистиканинг турли бўйимлари ўртасидаги гормонизацияга ҳам эътибор қаратилган. Бунда миллий ҳисоблардаги ташқи дунё ҳисоби тўлов балansi билан мувофиқ бўлиши таъкидланган. Шунингдек, “МҲТ-1993”да геология-қидирув ишларига харажатлар, дастурий таъминот, бадиий ва адабий ишланмалар асосий қапиталнинг жамғарилиши сифатида талқин этилган. Бундан ташқари ушбу стандартда соф қийматликларни ҳисобга олиш услубиёти ишлаб чиқилган (Мамаджанов, 2023).

Ҳозирги кунда макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисоб-китолари “МҲТ-2008” халқаро стандартига асосланган бўлиб, у 2009- йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Статистика комиссиясининг 40-сессиясида қабул қилинган бўлиб, ушбу қўлланмада бир қатор мұхим иқтисодий жараёнларни статистик кўрсаткичларда ифодалаш услубиёти такомиллаштирилган. Ушбу стандартда МҲТнинг асосий котсепсиялари сақланиб

қолган бўлиб, иқтисодиётнинг муҳим аспектларини ўзида акс эттирувчи ЯИМ ва миллий даромаднинг муҳим компонентлари бўйича тарифлар ва таснифлар янгиланди. Ушбу ўзгаришлар молиявий инструментлар, марказий банк фаолияти, илмий тадқиқотларга харажатлар, қуролланишга харажатлар, молиявий ва номолиявий активлар таснифи билан операцияларни ўз ичига олади¹⁹⁸.

МХТ соҳасида изланишларни олиб борган иқтисодчи олимлардан Хансен (1959) “Миллий ҳисоблар тизими кейнсчиларнинг иқтисодий таълимотларининг натижаси деб ҳисблайди ва у иқтисодий сиёsatни олиб бориш, умумлашган иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилишнинг муҳим қуроли” - деб таърифлайди.

Кулагина (1997) “МХТ бозор иқтисодиёти давлатларида макроиқтисодий кўрсаткичларни тавсифлаш ва таҳлил қилиш учун қўлланиладиган ўзаро боғланган кўрсаткичлар тизими” деб таърифлайди.

Набихўжаев (1993) “МХТ иқтисодий фаолиятни ҳар тамонлама таҳлил қилишга хизмат қиласидиган баланс тизимлари бўлиб, миллий иқтисодиёт ҳолати тўғрисида аниқ тасаввур беради ҳамда барча хўжалик бўғинларининг ўзаро алоқаларини ифодаловчи шаклини тузишга имкон беради” деб таърифлайди.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур мақолада маълумотлар “Миллий ҳисоблар тизими – 2008” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 23 ноябрдаги 45-сонли қарори билан тасдиқланган “Ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш усулида ҳисблаш бўйича услубий низом”да белгиланган концепцияларга асосланган статистик маълумотларни гурухлаш, солиштирма таҳлил, танланма кузатув усулларидан фойдаланилди. Тадқиқот методолигаси сифатида адабиётлар қиёсий таҳлили, мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш, гурухлаштириш ва қуёсий таққослаш усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўтган йилда амалга оширилган ислоҳотлар, ўтказилган ижтимоий-сиёсий тадбирлар, белгиланган мақсадларга эришиш учун вазифалар ижроси юзасидан юқори талабчанлик ўзининг юксак самарасини берганлигини асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали кўриш мумкин.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг юксак самарасини берадётганлигини макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали кўриш мумкин. Дастребки баҳолашга кўра, 2023 йилда Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулоти (кейинги ўринларда ЯИМ) жорий нархларда 1 квадриллион 66,6 триллион сўмни ташкил этди ва 2022 йилга нисбатан 6,0 % га ўсди¹⁹⁹.

2023 йилда иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми ЯИМ умумий ҳажмининг 94,5 % ини ташкил этди ва 5,9 % га ўсди (ЯИМ мутлақ ўсишига таъсири 5,5 фоиз пунктни ташкил этди). Маҳсулотларга соғ солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 5,5 % ни ташкил этди ва 2022 йил билан таққослаганда 7,4 % га кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг 21-мақсадида “Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни 1,6 бараварга ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига

¹⁹⁸ Европейская комиссия, Международный валютный фонд, Организация экономического сотрудничества и развития, Организация Объединенных Наций и Всемирный банк (2012), “Система национальных счетов 2008”.


¹⁹⁹ stat.uz

тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш учун замин яратиш” вазифаси белгилаб берилган (Фармон, 2022).



Ушбу мақсад аввало АҚШ долларида ҳисобланган ЯИМ ҳажмини юқори қўшилган қийматга эга, юқори технологияли иқтисодий фаолият турлари ҳисобига оширишни назарда тутади. 2023 йилда ўртача курс бўйича АҚШ долларида ҳисобланганда номинал ЯИМ 90,9 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. Бу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан 9,7 млрд. АҚШ долларига, 2017 йилга нисбатан 28,9 млрд. АҚШ долларига ошган.

Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, 2023 йилда Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулоти харид қобилияти паритети бўйича 375,1 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўрсаткич эса 2022 йилга нисбатан 35,2 млрд. АҚШ долларига, 2017 йилга нисбатан 153,6 млрд. АҚШ долларига ошган.



²⁰⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги статистика агентлиги маълумотлари

²⁰¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги статистика агентлиги маълумотлари

Шунингдек, 2023 йилда аҳоли жон бошига ЯИМ жорий нархларда 29,3 млн. сўмни ташкил этди ва 2022 йилга нисбатан 3,8 % га ўсди. 2017-2023 йилларда аҳоли жон бошига ЯИМ 25,3 % га ўсди. Кузатилаётган даврда аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўртacha йиллик ўсиши 3,3 % ни ташкил этди.

2023 йилда аҳоли жон бошига ЯИМ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ўртacha йиллик алмашув курси бўйича 2 496 АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан 220 АҚШ долларига, 2017 йилга нисбатан 582 АҚШ долларига ошган. Харид қобилияти паритети бўйича эса 10 302 АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан 766 АҚШ долларига, 2017 йилга нисбатан 3 461 АҚШ долларига ошган.

1-жадвал
2017-2023 йиллар учун иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМ ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)²⁰²

	Йиллар							2023 - 2017 йилларда, %
	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	
ЯИМ	4,4	5,5	6,0	2,0	7,4	5,7	6,0	43,2
шу жумладан:								
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	1,2	0,3	3,1	2,9	4,0	3,6	4,1	20,5
саноат	5,2	10,8	5,0	0,9	8,8	5,3	6,0	49,9
курилиш	6,0	14,3	22,9	9,5	6,8	6,6	6,4	97,4
хизматлар	6,0	5,7	6,7	1,1	9,5	8,7	6,8	53,6
маҳсулотларга соф солиқлар	5,7	5,9	4,7	1,6	4,6	-2,3	7,4	30,7


Охирги етти йилда (2017-2023 йиллар) мамлакатимиз ЯИМи доимий нархларда 43,2 % га ўсди. Кузатилаётган даврда ЯИМга нисбатан юқори ўсиш суръатлари қурилиш (97,4 %) ва хизматлар соҳасида (53,6 %) ҳамда саноатда (49,9 %) кузатилган бўлса, ЯИМга нисбатан паст ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида (20,5 %) ҳамда маҳсулотларга соф солиқларда (30,7 %) кузатилган.

Кулай ишбилармонлик муҳитининг яратилиши ва инвестициялар ҳажмининг кўпайиши нафақат иқтисодий ўсиш суръатларининг ошишини, балки иқтисодиёт таркибида муҳим сифат ўзгаришларини ҳам таъминлади. Таркибий ислоҳотлар сиёсатининг изчил амалга оширилиши натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти диверсификация қилинди.

2017-2023 йилларда иқтисодиёт таркибида юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўналишида сезиларли даражада ижобий натижалар кузатилди. Шундай қилиб, саноатнинг ЯИМнинг тармоқлари таркибидаги улуши 2017 йилдаги 21,1 % дан 2023 йилда 26,1 % гача ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг 22-мақсадида “Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушкини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш” вазифаси белгилаб берилган (Фармон, 2022).

²⁰² Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари



Асосий таркибий ўзгаришлар ишлаб чиқариш саноатига тўғри келади. Ишлаб чиқариш саноатининг ЯИМдаги улуши 2017 йилдаги 15,5 % дан 2023 йилда 20,6 % гача ошган. Шунингдек, тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлашнинг улуши 3,7 % дан 3,5 % га тушган ҳамда бошқа тармоқларнинг улуши 2,0 % даражасида сақланиб қолган.

2017-2023 йилларда саноат ишлаб чиқариши 49,9 % га ўсди. Кузатилаётган даврда саноатнинг ижобий ўсиши қуйида келтирилган иқтисодий фаолият турларидаги ўсиш суръатлари билан боғлиқ²⁰⁴:

- тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 86,4 %;
- ичимликлар ишлаб чиқариш – 87,9 %;
- кийим ишлаб чиқариш – 83,5 %;
- ёғоч ва пўйак буюмлар (мебелдан ташқари) ишлаб чиқариш – 55,4 %;
- қофоз ва қофоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 88,5 %;
- асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш – 92,2 %;
- резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш – 60,8 %;
- тайёр металл буюмлар (машина ва ускуналардан ташқари) ишлаб чиқариш – 2,5 баробар;
- компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш – 4,4 баробар;
- электр ускуналар ишлаб чиқариш – 2,3 баробар;
- автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш – 5,0 баробар.

Охирги йилларда ЯИМ таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улшини босқичма-босқич камайиш тенденциясини қайд этди ва 2017 йилдаги 32,2 % дан 2023 йилда 24,3 % гача тушди. Шу билан бирга, ЯИМда қишлоқ хўжалиги улшининг пасайиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўртача йиллик 2,7 % ижобий ўсиш суръатлари фонида содир бўлди. 2017-2023 йилларда мазкур тармоқнинг қўшилган қиймати доимий нархларда 20,5 % га ошди.

Мамлакатимизда турар-жой мажмуналарини қуриш, ижтимоий ва муҳандислик инфратузилмаси обьектларини қуриш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, базавий тармоқлар корхоналарини модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани натижасида қурилиш ишлари ҳажми 2017-2023 йилларда 97,4 % га ўсди. Кузатилаётган даврда

²⁰³ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари

²⁰⁴ siat.stat.uz.

ўртача йиллик ўсиш 10,2 % ни ташкил этди. Кузатилаётган даврда ЯИМ таркибида қурилишнинг улуши эса 5,4 % дан 6,2 % гача ошди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодиёти юксалиши, аҳоли бандлигини ошириш ва аҳоли даромадларини оширишнинг энг муҳим омили ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ислоҳ қилиш бўйича изчил чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ушбу соҳа иқтисодиётнинг жадал ривожланаётган соҳаларидан бирига айланди. 2017-2023 йилларда хизматлар соҳасининг ЯИМ таркибидаги улуши 2,0 % га ошди (41,4-43,4 %), соҳада яратилган қўшилган қиймат 53,6 % га ошди. 2017-2023 йилларда ўртача йиллик ўсиш – 6,3 % ни ташкил этди.

Шунингдек, 2023 йилда республика бўйича ЯИМнинг шаклланишида Тошкент шаҳри 17,1 % улуш билан энг катта ҳисса қўшди. Тошкент ва Навоий вилоятлари 10,1 % ва 7,7 % кўрсаткичлари билан кейинги ўринларни эгаллади. Республика ЯИМини шакллантиришда энг кам улуш Сирдарё вилояти (2,0 %), Қорақалпоғистон Республикаси (3,1 %) ва Жizzах вилоятига (3,1 %) тўғри келган.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юқорида келтирилган кўрсаткичлар мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий тармоқларни диверсификация қилиш ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, иқтисодиёт тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатбардошлигини янада оширишга қаратилган ислохотлар натижасини ифодалайди.

Хусусан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мамлакат иқтисодиёти юксалиши, аҳоли бандлигини ошириш ва аҳоли даромадларини оширишнинг энг муҳим омили ҳисобланади. Хизматлар соҳаси ЯИМнинг ўсишига энг катта ҳисса қўшаётганлигини юқоридаги таҳлиллардан кўришимиз мумкин.

Иқтисодиётнинг асосий драйвери сифатида саноат ишлаб чиқариши 2017-2023 йилларда 49,9 % га ўсган бўлиб, тармоқнинг ижобий ўсиши тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, озиқ овқат маҳсулотлари ва ичимликлар ишлаб чиқариш, асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш, компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш, автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш каби иқтисодий фоалт туларидаги ижобий ўсиш билан изоҳланади.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Бегалов Б., Мамаджанов А. (2023) “Ўзбекистонда миллий ҳисоблар тизимини халқаро услубиётларга мувофиқлаштириш”, 1(15)-сон, statmirror.uz.

Кулагина Г.Д. (1997) Национальное счётоводство: Учебник. Под. ред. Г.Д.Кулагина. М.: Финансы и статистика, с. 636.

Мамаджанов А. (2023) “Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари таҳлили”, Статистика тизимини ривожлантиришнинг миллий стратегияси: назария ва амалиёт мавзусида халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами, Тошкент Молия институти, 2023 йил 19 октябрь.

Набиҳўжаев А.А. (1993) Миллий ҳисоблар тизмаси нима? // Ҳаёт ва иқтисод, №6-сон, 14-15 б.

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

Хансен Э. (1959) Экономические циклы и национальный доход. М.: Иностранная литература, с.168.